## БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

ШАНБА САҲИФАСИ

## ШАНБАДАН ......... ЖУМАГАЧА

Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги кимошди савдосида илк бор ер майдонлари сотувга қўйилди. Шофиркон туманидаги олти сотих, Жондор туманидаги иккита беш сотихли ер майдонлари жами 23,5 минг сўмга сотилди.

Шунингдек, савдога дўконлар ва юк автомобиллари ҳам қўйилиб, кимошдида жами 204,5 минг сўмлик кўчмас мулк янги соҳиблар ихтиёрига ўтди.

Урганч шаҳрининг Комилжон Отаниёзов номидаги болалар санъат мактабида ёш ижрочилар кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Хоразм вилоятининг мусиқа ва санъат мактабларидан қарийб эллик нафар ёш санъат шинавандаси қатнашди. Беллашувларда маҳоратини намойиш эта олган тўққиз нафар бўлажак санъаткор минтақавий турда қатнашиш учун йўлланма олди.

Жиззах вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарлик масаласи муҳокама қилинди.

Йиғилишда шаҳар ва туман марказлари, хўжаликлар, ташкилотлар ҳамда ўқув муассасалари ҳудудида урушда ҳалок бўлганлар шарафига ўрнатилган ёдгорликларни таъмирлаш, уларни зиёратгоҳларга айлантириш учун катта ҳажмда ободонлаштириш ишларини бажариш лозимлиги таъкидланди.

Бухоро вилоят жамғарма банки жамоаси хайрли ишга қўл уриб, ўз фойдаси ҳисобидан 25 минг сўм ажратди.

Урушда қатнашган ҳамда фронт ортида фидокорона меҳнати билан ғалабани таъминлашга муносиб улуш қўшган 50 нафар бухороликнинг ҳар бири учун шу маблағдан 500 сўмлик омонат дафтарчаси очилди. Дафтарчалар эгаларига ғалаба кунида тантанали вазиятда топширилади.

Гулистонда Сирдарё вилоят деҳқончилик саноати уюшмалари, давлат, жамоа ва ширкат хўжаликлари раҳбарларининг тўрт кунлик семинар ўқуви ўтказилди. Семинар қатнашчилари қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг асослари, янги технологияни ишлаб чиқаришда кенг қўллаш жараёнлари, молия-кредит ва солиқ тизимларини такомиллаштириш, хусусийлаштиришни жадаллаштириш каби масалалар хусусида маърузалар тингладилар.

## ТАФАККУР ГУЛШАНИ

*То ҳирсу ҳавас хирмони барбод ўлмас,*
*То нафсу ҳаво қасри барафтод ўлмас,*
*То зулму ситам жониға бедод ўлмас —*
*Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.*

**Навоий.**

*Келинг тилимизни қайраб олайлик*
ёки ўзбек халқ мақоллари изоҳи

### БОЙНИНГ ПАЛОВИДАН КАМБАҒАЛНИНГ ШЎРВАСИ ҚИММАТГА ТУШАДИ

Бой рўзғорига керакли ҳамма нарсани — дондундан тортиб, ўтин-кўмиргача, асбоб-анжомдан тортиб, кийим-кечаккача — арзон ва сероб вақтида кўтарасига олиб, ғамлаб қўяди. Чунки унинг бунга қурби етади. Камбағал эса кундалиги, жуда нари борса ҳафталигини ғамлай олади. Қиш-қировли кунлар бошлангач, озуқа бўлсин, кийим-кечак бўлсин, икки-уч баравар қимматга олишга тўғри келади. Юқоридаги мақолда мисол тариқасида кам масаллиқ кетадиган шўрва ҳам камбағал учун кўп масаллиқ кетадиган паловга нисбатан қимматга тушади, деб кўрсатилганининг боиси ана шунда.

### БОШИДАН АЖРАЛГАН СОЧИГА ЙИҒЛАБДИ

Бу мақолни пулга, мол-дунёга хирс қўйган, бойликдан ажралиб қолишдан кўра, ҳатто саломатлигидан ажрашни маъқул биладиган ҳасис одамларга нисбатан аччиқ киноя, истеҳзо тарзида айтадилар.

МАРҲАМАТ, ЯНА  САВОЛ БОРМИ?

### ЧОРСУДАГИ РЕГИСТОН

***Тошкентда ҳам Регистон майдони бор дейишади. Шу хусусда нима биласизлар.***

**И. Холбоева, Қува.**

XV-XVII асрларда Тошкентнинг Чорсу (ҳозирги Охунбобоев) майдонидаги меъморий мажмуа ҳақиқатда ҳам Регистон деб аталган. Унинг асосини Хўжа Аҳрор қурдирган. Жоме масжид ва мадраса (1451 й) ташкил топган. Кейинчалик Абулқосим шайх мадрасаси (XVI аср), Кўкалдош мадрасаси (XVI аср), унинг яқинида эса Бекларбеги мадрасаси (1835 йилда қурилган, у шўролар даврида бузиб ташланган) қурилган.

### БУХОРОДА ЎТГАН БИДУН

***Бидун ким бўлган-а?***

**И. Ҳақбердиев, Қўқон.**

Бухоронинг қадимги подшоҳларидан бири (у VII асрнинг 60-70 йилларида ҳукмронлик қилган). Арк ва шаҳар атрофидаги деворларни қайта тиклатган.

## ОБ-ҲАВО

**Республика Гидрометеорология маркази хабар қилади:**

11-17 февраль кунлари асосан қуруқ келиши кутилади. Ҳафтанинг ўрталарида ёмғир ёғиши, баъзан унинг қорга айланиши мумкин. Кечалари ҳарорат -2 +3 даража, кундуз кунлари 9-14 даража иссиқ бўлади. Ҳафта оҳирларида ҳарорат тез-тез ўзгариб туради. Кечалари 4-9 даража совуқ, кундуз кунлари 0-5 даража атрофида бўлади. Шимолда ҳам иқлим беқарор бўлади. Кечалари 0-5 даража совуқ билан 7-12 даража совуқ ўртасида, кундуз кунлари 3-8 даража иссиқ билан 1 даража совуқ — 4 даража иссиқ ўртасида бўлади.

• *Юзма-юз*



*Муҳаммад ЮСУФ*

# АШЪОРИ ҚЎШИҚ БЎЛМАГАН ШОИРЛАРГА ҲАВАСИМ КЕЛАДИ

***Таҳририятдан топшириқ олганимда ҳаяжонландим. Таниқли шоир Муҳаммад Юсуф билан бўладиган суҳбатимиз қандай кечаркин? Унинг менга бўлган муомаласини кўриб хавотирим бирпасда тарқаб кетди. Муҳаммад ака очиққўнгил, хушмуомала, дилкаш одам экан.***

**— Кейинги 5-6 йил орасида қўшиқчи-шоир сифатида машҳур бўлиб кетдингиз. Айтинг-чи, машҳурлик сизни қийнаб қўймаяптими?**

— Қўшиқчи-шоир деманг, илтимос. Ҳаммаям китоб ўқийвермайди, албатта. Қўшиқни эса ҳамма эшитади. Шу боис иккита қўшиқ ёзиб қўйиб, мен фалончиман, дейдиганлар кўп.

Машҳурлик ҳақида тўхталадиган бўлсак — ҳозир ўзбекларнинг иккита машҳур шоири бор: Абдулла Орипов ва Эркин Воҳидовлар. Энди эл назари тушган шоирлар орасида, эҳтимол, мен ҳам бордирман. Ўзимни ич-ичимдан машҳур шоир деб ҳис қилмайман, чунки машҳур бўлиш-бошқа, эл назарига тушиш — бошқа. Машҳурлик юкини кўтариш нечоғлик лаззатли ёки аксинча, машаққатли эканини ўша кишилардан сўранг.

**— Шеърлари қўшиқ қилиб айтилмаган шоирлар ижоди билан қўшиқчи-шоирлар ижоди орасида қандай тафовутлар бор, деб ўйлайсиз?**

— Шеърлари қўшиқ бўлмаган шоирларга ҳавасим келади. Чунки ўқувчи яхши ёзилган ҳақиқий шеърни излаб топиб, ўқийди.

**— Шоирлар билан санъаткорлар орасида ижодий ҳамкорликнинг ижобий ва салбий томонлари нималар деб биласиз?**

— Хонандалар билан ижодий ҳамкорлик қилишнинг ҳам яхши, ҳам ёмон томонлари бор. Баъзан бунинг натижасида нарвоннинг тепасидан ортга қайтиб тушишга тўғри келади.

**— Шоир билан унинг қўшиқлари ижрочисининг маънавий олами, дунёқарашлари ҳамма вақт бир-бирига мос келадими?**

— Менимча, камдан-кам ҳолатда тўғри келиши мумкин. Балки шунинг учун ҳам яхши қўшиқ оздир...

**— Зиёлиларимизнинг, айниқса, қишлоқ аҳолиси ўртасидаги обрўси, мавқеи ҳақида қандай тасаввурдасиз?**

— Қишлокда «зиёли» деган ибора умуман ишлатилмайди. Шундай чўпон ёки боғбон борки, олимдан кўпроқ ўқиган, кенгроқ мушоҳада қилади. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини ёддан биладиган ёзувчини биласизми? Йўқ ундай адиб. Аммо Андижон вилоятининг Марҳамат туманида яшовчи бригадир Абдуҳошим Аҳмедов деган киши романни бошдан-оёқ ёд билади. Зиёли дегани олим ёки шоир дегани эмас. Ҳақиқий зиёли, яъни адолатпарвар, ўқимишли одамлар ҳамиша оддий халқ ичида бўлади.

**— Муҳаммад ака, Сиз институтни рус тили ва адабиёти муаллими ихтисослиги бўйича битиргансиз, лекин ўз мутахассислигингиз бўйича ишламагансиз...**

— Одам фақат битта тилга ёпишиб олиб, ўшани кўкларга кўтариб мақтайверса миллатпарвар бўлиб қолмайди. Мен фарзандларимга кўпроқ тил ўргатишга интиламан.

**— Табиатингиздаги қайси нуқсон учун ўзгалардан танбеҳ эшитгансиз? Ўзингизнинг қайси феълингиз ўзингизга ёқмайди? Қайси ишингиз учун пушаймон бўлгансиз?**

— Одам боласи, аввало, ўзини-ўзи тергаб яшаши керак. Бировнинг танбеҳини ҳар куни ҳам эшитавермайсиз. Танбеҳ, яхши насиҳат ҳам тансиқ нарса. Ўзимга ёқмаган жиҳатларим ҳам бир талай. Кўнгилчанман, бир оз мақтанишни хуш кўраман, яхши дўстларнинг қадрига етмайман...

**— Қайси мақолни ёқтирасиз?**

— Кўрпангга қараб оёқ узат...

**— Қандай одамларни ёқтирмайсиз?**

— Мансабпараст эркакларни, гўзал ва бевафо аёлларни ёқтирмайман...

**— Қишлоққа тез-тез бориб турасизми?**

— Тўғриси, мен ҳамма шеъримни қишлокда ёзганман. Тошкентга эса, эндигина, салкам йигирма йилдан сўнг кўника бошладим.

Шоир одам ҳамиша «болалиги» билан ёнма-ён яшаши керак. Уни унутган куни шеър ҳам тўхтайди.

Илҳом бу — ижодкор одамнинг «болалиги!»

**— Кейинги пайтларда адабиётимизда ўртамиёна асарлар кўпайганлиги кўзга ташланмоқда. Бундай асарлар ўқувчида етарли даражада маънавий қониқиш ҳосил қилмайди. Шу ҳақда фикрингизни билмоқчийдим.**

— Ўртамиёна асарлар ҳамиша бўлган, бундан кейин ҳам бўлаверади. Чунки ўртамиёна «китобхон» кўп.

**— Муҳаммад ака, фарзандларингиз қайси касб эгаси бўлишини хоҳлайсиз?**

— Фарзандларим қайси касбни танлашлари ўзига ҳавола. Масалан, улар шеър ёзишмаса хафа бўлмайман. Олим бўлмаса, кўнглим чўкмайди. Фақат яхши инсон бўлиб етишишини чин юракдан истайман. Эртага, эҳтимол, шеъримни набирам ўқимас. Бу унинг хоҳиши. Аммо умуман адабиётни ўқимаса, бу энди менинг айбим бўлади.

**— Муштарийларимизга тилакларингиз...**

— Газетангизнинг ўқувчиларига энг катта тилагим — хонадони тинч бўлсин. Озроқ қийинчиликлар даврида бир-бирларига мададкор бўлишсин, тўйлар қилиб, ер чангитиб, от чоптириб, юришсин.

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Аслиддин САТТОРОВ**
**суҳбатлашди.**

• *Ўзингизни биласизми?*

## *Дейл Карнеги:*
## КАМ ГАПИРИБ, КЎПРОҚ ТИНГЛАНГ

***Бу гап кўпроқ савдо ходимларига тааллуқли. Чунки дўконга кирган харидор ўзига керакли нарсани сотиб олади. Сотувчи унинг кўнглини овласа, бас.***

АМЕРИКАДАГИ энг йирик автомобиль фирмаларидан бири машиналарнинг ички ўриндиқларига қоплаш учун керак бўладиган пишиқ ва кўримли мато буюртма қилиш мақсадида учта етакчи тўқимачилик фабрикаси билан мунозара бошлади. Матоларнинг кўргазма нусхалари тайёр бўлгач, корхона вакилларини битим тузиш учун кенгашга чақирди. Ҳар бир вакил шу йиғилишда навбат билан сўзга чиқиб, ўз корхонаси тайёрлаган матони таърифлаб бериши керак эди.

Учинчи бўлиб минбарга чиққан вакилнинг аксига олиб шу куни овози бўғилиб қолган эди. У гапириш ўрнига бир парча қоғозга қуйидаги сўзларни ёзиб кенгаш ҳайъатига узатди: «Муҳтарам жентельменлар! Овозим бўғилиб қолди, мутлақо гапиролмайман, мени маъзур тутасизлар». Шунда компания директори «Сиз учун мен гапираман» дея минбарга чиқиб, шу фабрика тайёрланган матоларни шарҳлаб берди. Табиийки, у шундан сўнг бошланган мунозаралар чоғида ўша фабрика манфаатини ҳимоя қилди. Пировардида шу фабрика 1.600 минг доллар миқдорида буюртма олди. Бундай йирик буюртмани корхона ўз тарихида кўрмаган эди. Бундан ғоят қувонган вакил томоғи тузалиб, гапирадиган бўлганидан сўнг шундай деган эди: «Бу мен учун бахтли тасодиф. Чунки агар овозимни йўқотмаганимда, бундай йирик буюртмани йўқотишим турган гап эди».

Озу соз сўзлаш одамларга фақат наф келтирган. Мана, яна бир мисол: «Нью-Йорк геральд трибюн» газетасидан қобилиятли ва тажрибали мутахассис кераклиги ҳақидаги эълонни ўқиган Чарлз Кубеллис ўша ташкилот раҳбари ҳақида эринмай маълумот тўплади ва шундан кейингина у билан учрашди. Суҳбат бошидаёқ у ўзи жим қулоқ солиб, раҳбарни шавқ билан сўзлашга мажбур этадиган гапни топиб гапирди: «Кенг довруғ ёйган ташкилотингизда ишлаш мен учун жуда фахрлидир. Янглишмасам, бундан 28 йил илгари шу ишга қўл урганингизда бор-йўғи битта иш хонасию стенографисткага эга эдингиз. Шу ростми?»

Кўп қийинчиликларни бошдан кечириб орзусига етишган инсон борки, ўтмишини эслашни, кимгадир ҳикоя қилиб беришни хуш кўради. Кубеллиснинг суҳбатдоши ҳам бундан мустасно эмас, албатта. У ўз кечинмаларини обдон тўкиб солганидан сўнггина Чарлздан аввал қаерда ишлаганини номигагина сўради-да, муовинларидан бирини чақириб: «Бу киши бизга айнан керак мутахассис, ҳужжатларини расмийлаштиринг» деди.

Изоҳ ўрнида фаранг файласуфи Ларошфуконинг қуйидаги сўзини келтириш кифоя. «Агар душман орттирмоқчи бўлсангиз, дўстларингиздан устунликка эришинг, агар дўст орттирмоқчи бўлсангиз, дўстларингиз сиздан устун бўла қолишсин».

## БИР ЖУФТ ЛАТИФА

— Уйланганлар уйланмаганларга қараганда узоқ яшайди дейишади-я... Шу ростмикан?

— Ёлғон. Уларга умр узоқдай туюлади, холос.

***

Икки аёл суҳбатлашяпти:

— Эҳ, афсус, жигарингиз оғримаётган экан.

— Нима эди?

— Менда, биласизми, жигар оғриғини қолдирадиган шунақанги зўр дори борки!..

• *Экспресс-интервью*

**1. Ўтган ҳафта Сизнинг ва жамоангизнинг ҳаётида қандай из қолдирди?**

**2. Келаси ҳафтадан нималарни кутяпсиз?**



**Мансур АЛИЕВ, Ўзбекистон автомобил транспорти давлат акционерлик корпорацияси бошқаруви раисининг ўринбосари:**

1. Ўтган ҳафта жамоамиз ҳаётида арзирли воқеаларга бой бўлди. Хусусан, январь ойи якунлари бўйича корпорация-бошқарув ҳайъатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир ой мобайнида қўлга киритилган ютуқлар, камчиликлар таҳлил қилинди. Қувонарли томони шундаки, шу ўтган бир ой давомида жумҳуриятимиз бўйича 147 млн. йўловчига хизмат кўрсатдик. 17 млн. турдаги турли халқ хўжалиги юкларини, 11 млн сўмлик саноат молларини керакли манзилларга етказиб бердик. Ўтган ой давомида корпорациямиз номига бирорта шикоят тушмади. Бундан ташқари ўтган ҳафта Вазирлар Маҳкамасининг қарориға биноан шаҳар атрофига қатновчи маршрутлар сони 12 тага оширилди.

2. Келаси ҳафта корпорациямизнинг йиллик йиғилиши бўлиб ўтади. Унда халқимизга транспорт хизмати маданиятини ошириш, транспортларимизнинг бенуқсон ишлашини таъминлаш каби қатор масалалар кўриб чиқилади. Бундан ташқари ёқилғи шахобчалари, ёқилғи сақлаш омборларининг бугунги аҳволи ҳам текширувдан ўтказилади.

Хуллас, ҳар галгидек келаси ҳафта ҳам аҳолига намунали транспорт хизмати кўрсатиш бизнинг энг муқаддас вазифамиз бўлиб қолади.

**Ғофур РУСТАМОВ, Тошкент шаҳар Ободонлаштириш бош бошқармаси бошлиғининг муовини:**

1. Қиш мавсуми биз учун энг масъул палла ҳисобланади. Унинг ҳеч бир ҳафтаси, куни йўқки, биз бекор турсак. Шаҳримиз кўчаларида, автомобил қатновининг тўхтаб қолмаслиги учун йўлларни қордан тозалаш, яхмалакни эритиш, йўлнинг тоза ва озодалигини сақлаш бизнинг вазифамиз. Тўғри, бу йил қиш яхши келди, йўлларимизни деярли қор қопламади. Яхмалак бўлмади. Лекин бу иш бўлмади дегани эмас. Бошқармамиз, туманлардаги бўлимларимиз жамоалари наинки қиш мавсуми балки шу ўтган ҳафтада ҳам айтишга арзирли ишларни амалга оширдилар. Энг муҳими ўтган ҳафтада жамоамиз аҳли кўтаринки руҳ билан меҳнат қилдилар.

2. Келаси ҳафтада олдимизга қўйган мақсадларимиз бисёр. 20 февралдан 20 мартгача шаҳримизда Наврўзга тайёргарлик ишлари бошланади. Шаҳримизни ободон-



лаштириш, кўкаламзорлаштириш ва санитар тозалигини таъминлаш ҳақида махсус қарор лойиҳаси тайёрланаяпти. Қарорда қаерга қанча дарахт ўтқазиш, қаерни кўкамламзорлаштириш, қайси иншоотларни қайта таъмирлаш керак — ҳаммаси аниқ қилиб кўрсатилган. Бундан ташқари қарорда турли ҳашарлар уюштириш ҳам кўрсатилганки, бу шаҳримизнинг обод ва кўркам бўлиши учун барчамизнинг масъул эканлигимизни англатади.




### ВЕРОНИКА КАСТРО БИР ЎЛИМДАН ҚОЛДИ

**ТАСОДИФ инсон танламайди. «Фалокат оёқ остида» деганларидек, буюк ва машҳур кишилар ҳам бахтсиз тасодифларга дуч келишлари мумкин.**

«БОЙЛАР ҳам йиғлайди», «Шаддот Роза» кўп серияли фильмлардаги бош роль ижрочиси Вероника Кастрони бугун нафақат Ўзбекистонда, балки МДҲ мамлакатларида ҳам танимайдиган киши бўлмаса керак. Шундай машҳур актриса учун ҳам ҳаётнинг кутилмагандаги даҳшатли синовидан ўтишга тўғри келди. Фақат бахтли тасодифгина уни ўлимдан сақлаб қолди.

У ўзининг бир неча яқин ёрдамчилари билан Мексиканинг Сан-Луис-Потоси штатига учишга қарор қилди. Улар тушган вертолёт ҳавога кўтарилаётиб, керакли баландликка эриша олмай, пастга қулади. Қарангки, «шаддот» аёлнинг бахтига яхшиям баҳайбат дарахт бор экан, у вертолётдагиларнинг жонига оро кирди. Тўппа-тўғри дарахт устига қулаган вертолёт шикаст топди-ю, аммо бахтли актриса омон қолдигина эмас, ҳатто жароҳатланмади ҳам.

— Омон қолганимга шукур, — деди Вероника ўзига келганидан сўнг, — фалокат пайтида бошдан кечирган 3-4 дақиқалик даҳшат эса ҳадемай унут бўлиб кетади.



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир:**
**Анвар ЖЎРАБОЕВ.**

• *БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 32-07-94;*
*Иқтисодиёт 32-36-6 5;*
*Маънавият 32-35-60;*
*Ахборот 32-29-89;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.**

Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Сатторов.
Навбатчи — Ў. Ҳайдаволов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0067 50908 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди — 22.00. 1 2 3 4 5 6